

1	ЭМИТЕНТНИНГ НОМИ								
	Тўлиқ			“Ўзбектелеком” акциядорлик компанияси					
	Қисқартирилган			“Ўзбектелеком” АК					
	Биржа тикерининг номи			UTLK					
2	АЛОҚА МАЪЛУМОТЛАРИ								
	Жойлашган ери			100000: Тошкент шаҳри, А. Темур кўчаси 97 А					
	Почта манзили			100011: Тошкент шаҳри, А.Навои кўчаси 28 А					
	Электрон почта манзили			info@uztelecom.uz					
	Расмий веб-сайти			www.uztelecom.uz					
3	МУҲИМ ФАКТ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ								
	Муҳим фактнинг рақами			06					
	Муҳим фактнинг номи			Эмитентнинг юқори бошқарув органи томонидан қабул қилинган қарорлар					
	Умумий йиғилиш тури			Йиллик					
	Умумий йиғилиш ўтказиш санаси			28.06.2024й.					
	Умумий йиғилиш баённомаси тузилган сана			08.07.2024й.					
	Умумий йиғилиш ўтказилган жой			100011: Тошкент шаҳри, А.Навои кўчаси 28 А					
	Умумий йиғилиш кворуми			98,77					
	Т/ Р	Овоз беришга қўйилган масалалар		Овоз бериш якунлари					
				Ўқлаш		Қарши		Бетараф	
				%	Сони	%	Сони	%	Сони
	1	“Ўзбектелеком” АК Акциядорларининг умумий йиғилиши регламентини ва санок комиссиясини тасдиқлаш.		100	269 447 132				
2	“Ўзбектелеком” АК Кузатув кенгашининг 2023 йил якунлари бўйича ҳисоботини тасдиқлаш.		99.19	267 255 221	0.81	2 191 911			
3	“Ўзбектелеком” АКнинг 2023 йил якуни бўйича молиявий-хўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳисоботини тасдиқлаш.		99.19	267 255 221	0.81	2 191 911			
4	“Ўзбектелеком” АК томонидан йирик битим тузилиши.		100	269 447 132					
5	“Ўзбектелеком” АКнинг 2023 йил натижалари бўйича соф фойдасини тақсимлаш ва дивидендлар тўлаш тўғрисида.		99.19	267 255 221	0.89	2 191 911			
6	“Ўзбектелеком” АКнинг ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилатган чора-тадбирлар тўғрисида ҳисобот.		100	269 447 132					
7	“Ўзбектелеком” АКнинг								

	Корпоратив бошқарув тизимини ҳолис баҳоловчи ташкилот томонидан ўтказилган баҳолаш натижалари тўғрисида.	99.19	267 255 221	0.81	2 191 911		
8	“Ўзбектелеком” АК кундалик хўжалик фаолиятига қирадиган хизматлар ва ишлаб чиқариш маҳсулотлари рўйхатини тасдиқлаш.	2.5	6 731 459	0.81	2 191 911	96.69	260 523 762
9	“Ўзбектелеком” АКга аффилланган шахслар билан келгусида Компания томонидан кундалик хўжалик фаолияти жараёнида Акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишигача бўлган даврда тузилиши мумкин бўлган битимни (битимларни) маъқуллаш.	99.997	269 438 710	0.003	8422		
10	“Ўзбектелеком” АК Ижроия органининг ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, саноат кооперациясини ривожлантириш ва импортни қисқартириш бўйича 2023 йилда амалга оширилган ишлар тўғрисидаги ҳисоботи.	99.997	269 438 710	0.003	8422		

Умумий йиғилиш томонидан қабул қилинган қарорларнинг тўлиқ баёни

1	1. “Ўзбектелеком” АК акциядорларининг умумий йиғилиши регламенти қуйидагича тасдиқлансин: 1. Асосий маърузалар - 10 дақиқагача. 2. Савол – жавоблар - 5 дақиқагача. 3. Муҳокамалар - 3 дақиқагача. 2. “Ўзбектелеком” АК акциядорларининг умумий йиғилиши учун Саноқ комиссияси таркиби қуйидаги тартибда тасдиқлансин: Оллаберганов Сардор Қадамбоевич - “Ўзбектелеком” АК Корпоратив бошқарув ва инвестиция портфели департаменти директори; Махамадов Адхамжон Махмуджонович - “Ўзбектелеком” АК Корпоратив бошқарув ва инвестиция портфели департаменти директори ўринбосари; Мамайханов Хусан Равшанович - “Ўзбектелеком” АК Корпоратив бошқарув ва инвестиция портфели департаменти бош мутахассиси.
2	“Ўзбектелеком” АК Кузатув кенгашининг 2023 йил якуни бўйича ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин.
3	1. “Ўзбектелеком” АКнинг 2023 йил молиявий-хўжалик фаолияти якуни бўйича бухгалтерия баланси, фойда ва зарарлари тўғрисидаги ҳисоботи ҳамда Компаниянинг йиллик ҳисоботи тасдиқлансин. 2. Компаниянинг 2023 йил молиявий-хўжалик фаолияти якуни бўйича ташқи аудит текширувини ўтказган “ТТТ-audit” МЧЖнинг 2024 йил 5 апрелдаги хулосаси тасдиқлансин.
4	1. “Ўзбектелеком” АК томонидан “Ўзбектелеком” АКнинг телекоммуникация инфратузилмасини республиканинг шарқий ва ғарбий минтақаларида янада ривожлантириш” лойиҳаси доирасида 4.1-иловадаги шартлар асосида кредит шартномаси йирик битим сифатида

	тузилишига рухсат берилсин. 2. “Ўзбектелеком” АК бошқаруви (Н.Хасанов)га кредитни расмийлаштириш билан боғлиқ хужжатларни имзолаш ваколати берилсин. 3. “Ўзбектелеком” АК режалаштирилган лойиҳаларни амалга ошириш учун жалб этилаётган кредит маблағлари мақсадли сарфланишини таъминласин.
5	1. “Ўзбектелеком” АКнинг 2023 йилда олган 25 398 499 506,09 сўм миқдоридаги соф фойдаси куйидагича тақсимлансин: резерв фондига – 5 % ёки 1 269 924 975,3 сўм; имтиёзли акциялар учун дивиденд тўловига – 11,2 % ёки 2 845 904 211 сўм (ҳар бир дона имтиёзли акция учун 288,5 сўмдан); оддий акциялар учун дивиденд тўловига – 50 % ёки 12 699 249 753,05 сўм (ҳар бир дона оддий акция учун 46,55 сўмдан), шундан: - Иқтисодиёт ва молия вазирлиги улуши учун – 12 128 668 613,69 сўм; - Давлат активларини бошқариш агентлиги улуши учун – 267 514 519,48 сўм; - “Радиоалоқа, радиоэшитириш ва телевидение маркази” ДУК улуши учун 44 777 660,48 сўм; - “Unicon” фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари маркази” ДУК улуши учун 279 329,65 сўм; - оддий акция эгалари бўлган бошқа юридик ва жисмоний шахслар улуши учун 258 009 629,75 сўм; стратегик аҳамиятга эга лойиҳаларни молиялаштириш ва кредит тўловларини амалга ошириш мақсадида Компания тасарруфида қолдириш учун – 33,8 % ёки 8 583 420 566,74 сўм. 2. “Ўзбектелеком” АКнинг лойиҳаларини молиялаштириш ва кредит тўловларини амалга ошириш учун қолдирилган ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-357-сон қарорига асосан давлат улуши учун ҳисобланган 12 441 240 123,29 сўм дивиденд маблағлари кейинчалик капитализация қилиниши, яъни қўшимча акциялар чиқарилиши орқали Компания Устав фонди оширилишига йўналтирилиши белгилаб қўйилсин. 3. “Ўзбектелеком” АК Ижроия органи (Н.Хасанов): - режалаштирилган лойиҳаларни молиялаштириш учун Компания ихтиёрида қолдирилаётган маблағларнинг мақсадли ишлатилишини таъминласин; - дивидендлар 2024 йилнинг 29 июнидан 2024 йилнинг 27 августига қадар тўланишини таъминласин.
6	“Ўзбектелеком” АКнинг ривожланиш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботи 6.1-иловага мувофиқ тасдиқлансин
7	1. “F-plus Audit” МЧЖ томонидан “Ўзбектелеком” АК корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш ишлари ўтказилганлиги маълумот учун қабул қилинсин ва баҳолаш натижалари 7.1-иловага мувофиқ тасдиқлансин. 2. “Ўзбектелеком” АК Кузатув кенгаши ва Ижроия органи “F-plus Audit” МЧЖнинг баҳолаш ҳисоботида корпоратив бошқарув тизимини янада такомиллаштириш юзасидан берилган тавсияларга Компанияда амал қилинишини назоратга олсин.
8	1. “Ўзбектелеком” АКнинг кундалик хўжалик фаолиятига қирадиган хизматлар ва ишлаб чиқариш маҳсулотлари рўйхати 8.1-иловага мувофиқ тасдиқлансин. 2. Мазкур рўйхат 2025 йилда 2024 йил якуни бўйича ўтказиладиган Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишига қадар амал қилиши белгилаб қўйилсин.
9	1. “Ўзбектелеком” АК Ижроия органи (Н.Хасанов)га барча аффилиланган шахслар билан кундалик хўжалик фаолиятига доир битимларни келгуси Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказилгунига қадар тузишга рухсат берилсин. 2. “Ўзбектелеком” АК Ижроия органи (Н.Хасанов): - “Ўзбектелеком” АК соф активларининг ўн беш фоиздан эллик фоизигача бўлган қисmini ташкил этувчи битимлар (битим) Компания Кузатув кенгашига қарор қабул қилиш учун киритилишини таъминласин; - “Ўзбектелеком” АК соф активларининг эллик фоиздан юқорисини ташкил этувчи битимлар (битим) Акциядорларнинг умумий йиғилишига қарор қабул қилиш учун киритилишини таъминласин.

10	“Ўзбектелеком” АК бошқарувининг ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, саноат кооперациясини ривожлантириш ва импортни қисқартириш бўйича 2023 йилда амалга оширилган ишлар тўғрисидаги ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин.					
Эмитентнинг ижроия органи, кузатув кенгаши ва тафтиш комиссияси аъзолари фойдасига ҳисобланган ва тўланган ҳақ ва (ёки) компенсациялар						
Т/ Р	Ф.И.Ш.	Шахс аъзоси ҳисобланган эмитент органининг номи	Тўлов тури (ҳақ ва (ёки) компенсациялар)	Ҳисобланган сумма (сўм)	Маблағлар ҳисобланган давр	Тўлов назарда тутилган эмитент ҳужжати
1						
Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш:						
Кандидатлар тўғрисида маълумот						
Т/ Р	Ф.И.Ш.	Иш жойи	Лавозим и	Тегишли акциялар		Овозлар сони
				Тури	Сони	
Уставга киритилаётган ўзгартириш ва (ёки) қўшимчаларнинг матни						